

---

## 300 НАФАР ИШЧИЛАР ЯНА ЎЗ ИШ ЎРНИЛАРИГА ҚАЙТДИЛАР

Бугун 2021-йил 23-декабр куни шаҳар ҳоқими, 1-сектор раҳбари З.Тўракулов ва тегишли мутахассислар билан биргаликда шаҳардаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ўрганилди.

Жумладан шаҳар ҳоқими собиқ "FERGHANA CEMENT" номли корхона фаолияти билан танишди.

"FERGHANA CEMENT" МЧЖ корхонаси ҳозирги кунда янги инвесторлар томонидан "TERRA NOVA CEMENT" МЧЖ номи билан яна ўз фаолиятини бошлади.

Корхона цемент ишлаб чиқариш билан шуғулланиб, маълум муддатдан бўён ишламасдан турган эди. Бугунги кунда корхона фаолиятини бошлаб, 300 нафар ишчилар яна ўз иш ўрнларига қайтдилар ва иш фаолиятини бошладилар.

Шаҳар ҳоқими томонидан маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишда вужудга келадиган муаммоларни доимий назоратга олиниши ҳамда тезкорлик билан бартараф этиб бориш юзасидан келишиб олинди.

Қувасой шаҳар ҳоқимлиги

Ахборот хизмати

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)  
2021-12-26 18:18:56